
Фарғоналик билимдонларнинг "Заковат"даги ғалабалари давом этади
Ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида
"Заковат" интеллектуал ўйини республика босқичи якунига етди. ИИВ Фарғона
академик лицейи жамоаси Республика босқичида фахрли учинчи ўринни
[эгаллади.](#)

Жамоанинг ҳар бир аъзосига ҳамда мураббийига "Заковат интеллектуал клуби"
ННТ томонидан ноутбуклар совға қилинди. Эндиликда ИИВ Фарғона академик
лицейи жамоаси аъзолари олий таълим муассасаларига базавий тўлов контракт
асосида имтиҳон синовларисиз қабул қилинади. Шунингдек, уларнинг ҳар бирига
бир ўқув йили давомида ҳар ой "Заковат" стипендияси тўлаб борилади.

Қувонарлиси, ушбу жамоа таркибида Ўзбекистон тумани вакили, 2021 йилги "Ёш
китобхон" танлови республика босқичи ғолиби Муҳаммадфозил Исмоилов ҳам
бўлиб, у ўз жамоаси ютуғига муносиб ҳисса қўшди. Муҳаммадфозил Исмоилов
жорий ўқув йили бошидан мазкур академик лицейда таълимни давом эттириб
келмоқда.

2022-10-17 20:33:41